

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда, № 11, 792-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2020 ва 2021 йиллар давомида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) нормаларининг амалий таъсири ва самарадорлиги доимий равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминласин;

зарур бўлган тақдирда Солиқ кодексининг алоҳида нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин;

ҳукумат қарорларини Солиқ кодексига мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Солиқ кодексига зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда Солиқ кодексининг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича:

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилади;

2020 йилнинг 1 январигача қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади.

Белгилаб қўйилсинки, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ ўрнига тегишинча ижтимоий солиқ, айланмадан олинadиган солиқ ҳамда қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи киритилмоқда, уларнинг тўловчиларига қонун ҳужжатларида илгари белгилаб қўйилган имтиёзлар ва алоҳида ҳисоблаш тартиби татбиқ этилади.

5-модда. Белгилаб қўйилсинки, ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган

қиймат солиғи суммасининг ўрнини қоплаш 2020 йил 1 июлдан эътиборан амалга оширилади.

6-модда. Ушбу Қонун 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Солиқ кодексининг 69-боби қоидалари 2020 йил 1 январдан кейин тузиладиган маҳсулот тақсмоти тўғрисидаги битимларга нисбатан қўлланилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага, шунингдек уларни олиб киришга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди.

(6-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 03/20/659/1681-сон — 2021 йил 1 январдан кучга киради)

2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда янги тартиб жорий этилади, унга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақилни солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилади.

Солиқ тўловчи 2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига, ушбу зарар кўрилган солиқ даврдан кейинги беш йилдан кўп бўлмаган муддатда кўчиришни амалга оширишга ҳақли. Ҳар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олинadиган ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ давридаги солиқ базасининг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Солиқ кодексининг VI, VII бўлимлари ва 5-боби 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Солиқ кодекси 40-моддаси биринчи қисмининг 1-банди 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади. 2023 йил 1 январга қадар чет эл компаниясидаги иштироки улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган юридик ёки жисмоний шахс чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 декабрь,
ЎРҚ-599-сон

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 03/19/599/4255-сон; 31.12.2020 й., 03/20/659/1681-сон)



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO‘MITASI

100011, Toshkent shahri, A. Qodiriy ko‘chasi, 13 A
Tel: (71) 244-97-16. Faks: (71) 244-89-12

2021 yil « 4 » 09
886-54581 -son

O‘zbekiston Respublikasi
Avtomobil yo‘llari qo‘mitasi
Respublika yo‘l jamg‘armasi

Davlat soliq qo‘mitasi 2021 yil 23 avgustdagi AX/08-613-sonli murojaatni o‘rganib chiqib, quyidagilarni ma‘lum qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 243-moddasi 23-bandiga asosan xalqaro moliyaviy institutlarning qarzlari va hukumat tashkilotlarining xalqaro qarzlari hisobidan olinadigan tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilish bo‘yicha aylanma, agar ularni soliqdan ozod etish qonunda nazarda tutilgan bo‘lsa qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod etiladi.

O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 30-dekabrda “O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-599-sonli Qonunining 6-moddasiga asosan O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari bo‘yicha 2020-yil 1-iyulga qadar ma‘qullangan, to‘liq yoki qisman xalqaro moliya institutlarining va xorijiy hukumat moliyaviy tashkilotlarining mablag‘lari (qarzlari, kreditlari) hisobidan O‘zbekiston Respublikasida amalga oshiriladigan loyihalar doirasida yuridik shaxslar tomonidan sotib olinadigan tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilishga doir aylanmaga, shuningdek ularni olib kirishga qo‘shilgan qiymat solig‘i solinmaydi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, 2020-yil 1-iyulga qadar ma‘qullangan, to‘liq yoki qisman xalqaro moliya institutlarining va xorijiy hukumat moliyaviy tashkilotlarining mablag‘lari (qarzlari, kreditlari) hisobidan amalga oshiriladigan loyihalar doirasida olinadigan tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilish bo‘yicha aylanma qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod etiladi.

Hisobvaraqq-fakturalar elektron tizimida xalqaro moliyaviy institutlarning qarzlari va hukumat tashkilotlarining xalqaro qarzlari hisobidan olinadigan tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilish bo‘yicha aylanmalarni qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod qilish tarzidagi imtiyozdan foydalanish uchun Soliq kodeksining 243-moddasining 23-bandini tanlash lozim bo‘ladi.

Rais o‘rinbosari


J. Abdiyev

Ijr.: B. Botiraliyev
Tel.: 71-244-98-09(01289)



O'zbekiston, 100000 Toshkent sh.,
Mustaqillik shox kochasi, 68-A uy
Telefon: 71 207 91 94

68-A, Mustaqillik shox street,
Tashkent 100000, Uzbekistan
Phone number 71 207 9194

“12” 01 2022y

No. 65

Тошкент шаҳар телефон тармоғи
директори
Ф.Ш. Рустамовга

Республика йўл жамғармаси ҳузуридаги Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт Араб иқтисодий ривожлантириш жамғармаси иштирокидаги 4Р87 “Ғузур-Чим-Кукдала” Автомобиль йўлини 38-73 қисмини реконструкция қилиш лойиҳасининг амалга ошириш гуруҳи қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 599-сонли Қонунининг 6-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага, шунингдек уларни олиб киришга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди.

4Р87 “Ғузур-Чим-Кукдала” автомобиль йўлининг реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳа бўлганлиги сабабли қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

4Р87 “Ғузур-Чим-Кукдала” автомобиль йўлини реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи Сиздан 2022 йил учун интернет хизматларини харид қилишда қўшилган қиймат солиғисиз шартнома тузишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Директор в.б



А. Джуманкулов